

Инсон ва қонун

www.hudud24.uz

2021 йил 29 июнь
сешанба
№ 26 (1282)

www.hudud24.uz
insonvaqonun@adiya.uz
fb.com/hudud24official/
t.me/hudud24official/

hudud24

Endi 24 soat siz bilan!

- Энг сўнги хабарлар
- Хуқуқий маълумотлар
- Тахлилий мақолалар
- Мурожаатга жавоблар



МЕҲНАТ ШАРТНОМАСИ БЕКОР ҚИЛИНГАН,
ҲИСОБ-КИТОБ ЭСА "УНУТИЛГАН" 5-БЕТ

БОЛАНИНГ "ҲАҚҚИ"
УНДИРИЛДИ 5-БЕТ

ХОДИМ ПОРАСИЗ ИШ ҚИЛМАЙДИ
РАҲБАР ЭСА БУНДАН "БЕҲАБАР" 7-БЕТ

МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИГА

Қадри дўстлар!

Авалло, сиз, азизларни, соҳанинг муҳтарам фахрийларини Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни билан самимий муборакбод этиб, барчангизга ўзимнинг юксак ҳурматим ва эзгу тилакларимни билдиришдан мамнунман.

Сизларнинг бу галги касб байрамингиз энг улуғ ва энг азиз айём – Ватанимиз мустақиллигининг 30 йиллик санаси арафасида бўлиб ўтаётгани унга алоҳида руҳ ва мазмун бағишламоқда.

Барчангизга аёнки, кейинги йилларда янги Ўзбекистонни барпо этишга қаратилган ислохотлар жараёнида оммавий ахборот воситалари соҳасида ҳам туб ўзгаришлар амалга оширилмоқда.

Эл-юртимиз, жамоатчилигимиз матбуот нашрлари, теле-радио каналлар, нашриёт ва матбаа корхоналари, Интернет сайтлари, ахборот хизматларида ўз вазифасини сидқидилдан адо этаётган заҳматкаш журналист ва блогерлар, ношир ва муҳаррирлар, таржимон ва рассомлар, режиссёр ва операторлар, барча техник ходимларнинг машаққатли меҳнاتини яхши билади ва юксак қадрлайди.

Фурсатдан фойдаланиб, доимо янгилик излаб, янгиликка интилиб яшайдиган, жамиятда юз бераётган муҳим ўзгаришлар, устувор ғоя ва ташаббусларнинг маъно-моҳиятини одамларга тезкорлик ва холислик билан етказадиган, ҳаётнинг қайноқ нуқталарига дадил кириб борадиган сиз, азизларга мамлакатимиз тараққиётига қўшаётган беқиёс ҳиссангиз учун чуқур миннатдорлик билдираман.

Ҳурматли дўстлар!

Бугунги кунда барча даражадаги бошқарув идоралари раҳбарларининг оммавий ахборот воситалари вакилла-

ри, журналистлар билан мунтазам учрашиб, жамият ҳаётига дахлдор муҳим масалаларни эркин мулоқот асосида кенг муҳокама этиши яхши аъёнага айланиб бормоқда. Биз бундай ёндашувни Ўзбекистонда олиб борилаётган очиқлик, ошкоралик ва демократик сиёсатнинг энг муҳим йўналишларидан бири деб биламиз ҳамда миллий манфаатларимизга жавоб берадиган бу йўлни қатъий давом эттираемиз.

Шу сабабли оммавий ахборот воситаларининг жамият ҳаётидаги ўрни ва таъсири, фаолият самарадорлиги ва таъсирчанлигини ошириш, уларнинг моддий-техник базаси, кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш, соҳа ходимларининг меҳнатини ҳар томонлама рағбатлантириш биз учун ҳамisha устувор вазифа бўлиб келмоқда.

Бу борада аввало мавжуд меъёрий-ҳуқуқий базани кучайтириш мақсадида кейинги тўрт йилда 12 та қонун ҳужжати қабул қилинганини, медиа соҳаси, ахборот хизматлари тизими тубдан янгиланганини таъкидлаш лозим.

Бунинг тасдиғи сифатида қуйидаги рақамларга эътиборингизни қаратмоқчиман.

Бу йил ташкил топганининг 65 йиллигини нишонлайдиган миллий телевидениемиз фаолиятида ҳам жиддий ўзгаришлар кўзга ташланмоқда. Ўз таркибида туну кун фаолият кўрсатадиган 26 та теле ва 16 та радиоканални бирлаштирган Ўзбекистон миллий телерадиоканалларининг янги замонавий платформаси ("Over-the-top") марказий телеканалларимизда намоиш этилаётган кўрсатувларни бутун мамлакатимиз бўйлаб ҳамда дунёнинг юздан зиёд давлатларига узатиш, ижтимоий тармоқларга фаол жойлаштириш имконини бермоқда.

27 ИЮНЬ —

МАТБУОТ ВА
ОММАВИЙ АХБОРОТ
ВОСИТАЛАРИ
ХОДИМЛАРИ КУНИ



2-БЕТ

Давоми. Бошланиши 1-бетда

МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИГА



Айни вақтда нодавлат электрон оммавий ахборот воситалари, газета ва журналлар, нашриёт ва босма хоналар сони кўпайиб бораётгани эътиборга лойиқ.

Давлат идораларининг жамоатчилик билан алоқаларини мустақамлашга алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Жумладан, ҳокимият ва бошқарув органлари томонидан мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг бориши, миллий дастур ва стратегияларнинг бажарилиши юзасидан доимий равишда матбуот анжумани ва брифинглар, очиқ мулоқотлар ташкил этилмоқда.

Агар 2019 йилда давлат ва нодавлат ташкилотлардаги ахборот хизматларининг манбалари — расмий веб-сайтлар, ижтимоий тармоқлардаги каналлар 559 тани ташкил этган бўлса, 2021 йилда бу рақам 2410 тага етди.

Оммавий ахборот воситаларидаги танқидий чиқишларга вазирлик ва идоралар, ҳокимликларнинг ахборот хизматлари орқали тезкор муносабатлар билдириш амалиёти шаклланимоқда. Бунинг тасдиғини давлат идоралари томонидан танқидий материалларга жавоб қайтариш кўрсаткичи 2018 йилда 12 фоизни ташкил этган бўлса, 2020 йил якунига кўра қарийб 90 фоизга етгани мисолида ҳам кўриш мумкин.

Яқинда қабул қилинган “Давлат органлари ва ташкилотларининг фаолияти очиқлигини таъминлаш, шунингдек, жамоатчилик назоратини самарали амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармон бу борадаги ишларни янги босқичга кўтаришга хизмат қилади.

Ҳозирги вақтда электрон оммавий ахборот воситалари, хусусан, Интернет журналистикаси ҳаётимизга тобора чуқур кириб бормоқда. Республикаимизда фаолият юритаётган 1893 та оммавий ахборот воситасидан 638 таси ёки 33,7 фоизи Интер-

нет нашрлари – веб-сайтлар сифатида рўйхатдан ўтган.

Шу ўринда, мамлакатимизда сўз ва матбуот эркинлигини таъминлаш мақсадида оммавий ахборот воситаларини рўйхатдан ўтказишда барча жараёнлар инсон омилиси, электрон шаклда амалга оширилаётгани бу йўлдаги яна бир муҳим қадам бўлганини қайд этиш зарур.

Соҳада юсак малакали кадрлар тайёрлаш масаласи ҳам доимий эътиборимиз марказида бўлиб келмоқда. Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети фаолият кўрсатмоқда, шунингдек, Тошкент давлат шарқшунослик университети, Самарқанд давлат чет тиллари институтида ҳам журналистика йўналиши бўйича кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилди.

Азиз юртдошлар!

Мамлакатимиздаги барча сиёсий-ижтимоий институтлар каби Ўзбекистон журналистикаси ҳам ҳозирги рақамли технологиялар даврида янги шаклланиш жараёнини бошидан кечирмоқда.

Бугун авлодлар, ижодий мактаблар, аънаналар, тушунча ва тасаввурлар янгиланмоқда. Интернет замони ўз талаб ва қоидаларини илгари сурмоқда. Ана шундай мураккаб ўтиш даврида миллий журналистикамиз илгари кузатилмаган турли синов ва қийинчиликларга ҳам дуч келаётганини эътироф этиш ва уларни биргаликда бартараф қилиш ҳақида ўйлашимиз лозим.

Аминманки, мазкур соҳада йиллар давомида эришилган энг яхши ютуқ ва аънаналарни сақлаб қолиш, холислик ва ҳаққонийлик принципларига, қонун талабларига қатъий риоя қилиш, фуқаронинг шаъни ва ғурури, унинг ўз мустақил фикрига эга бўлиш ҳуқуқини ҳурмат қилиш, юсак профессионал маҳорат сизлар учун доимо асосий фаолият мезони бўлиб қолади.

Ушбу мақсадларга эришишда Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси томонидан илгари сурилган бир қатор ташаббуслар, яъни миллий медиа маконимизга дадил кириб келаётган ёш журналистлар, блогерлар, ахборот тизимлари ходимлари иштирокида “Миллий журналистика: аънаналар давомийлиги ва замонавийлик” мавзусида илмий-амалий конференция ташкил этиш, шунингдек, оммавий ахборот воситаларида “Ўзбекистон журналистика мактаби: ижодий мерос ва аънаналар”, “Жамият ва оммавий ахборот воситалари”, “Журналистика одоби” каби мавзуларда давра суҳбатлари ва маҳорат дарслари, ижодий танловлар уюштиришга доир таклифлар шубҳасиз катта аҳамиятга эга.

Ўтиш даври билан боғлиқ сабаблар туфайли бугунги кунда бир қатор босма нашрларнинг молиявий аҳволи мураккаб бўлиб қолаётгани ҳаммамизга яхши маълум. Яқинда ўзининг янги раҳбарини сайлаган Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмасининг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, Вазирлар Маҳкамаси, Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, республикаимиздаги етакчи газета ва журналлар бош муҳаррирлари билан биргаликда мазкур масалани атрофлича муҳокама қилиб, тегишли чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш ҳақидаги таклифларини биз албатта маъқуллаймиз.

Ушбу ҳужжатда босма оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қувватлашга оид амалий чора-тадбирлар билан бирга, соҳага бозор иқтисодиёти механизмларини тўлиқ жорий этиш, мазкур нашрларнинг мазмуни ва жозибдорлигини янада ошириш, уларнинг ахборот майдонида рақобатбардор бўлиши учун мавжуд имкониятлардан унумли фойдаланиш масалалари кўзда тутилиши мақсадга мувофиқдир.

Айни вақтда соҳанинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш ва журналистларнинг касбий фаолиятини ҳимоя қилиш, давлат ва жамият ўртасидаги мулоқотни мустақамлаш, кучли жамоатчилик назоратини йўлга қўйиш ҳам олдимизда турган муҳим вазифадир.

Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига давлат органлари ва ташкилотларининг мансабдор шахслари томонидан оммавий ахборот воситалари ижодий фаолиятига тўсқинлик қилиш, цензура ўрнатиш, уларнинг фаолиятига ноқонуний аралашиб, таҳририят ходимларига босим ва тазйиқ ўтказиш, материаллар ва зарур техник воситаларни улардан ғайриқонуний равишда олиб қўйиш ҳаракатлари содир этилгани учун жавобгарликни назарда тутадиган моддаларни кучайтириш лозим.

Таъкидлаб айтаманки, мамлакатимизда демократик янгиланиш жараёнларини янада чуқурлаштириш, оммавий ахборот воситалари фаолияти самарадорлигини ошириш йўлида давлатимиз ва жамиятимиз томонидан соҳани қўллаб-қувватлаш, журналистларнинг машаққатли меҳнатини ҳар томонлама рағбатлантиришга бундан буён ҳам алоҳида эътибор қаратилади.

Муҳтарам оммавий ахборот воситалари ходимлари!

Сизларни қутлуг байрамингиз билан яна бир бор табриклаб, барчангизга сиҳат-саломатлик, бахт-саодат, хонадонларингизга тинчлик-хотиржамлик, файзу барока тилайман.

Масъулиятли ва шарафли фаолиятингизда барчангизга янги ютуқ ва омадлар ёр бўлсин!

Шавкат МИРЗИЁЕВ,

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

САЙЛОВ ҚОНУНЧИЛИГИНИ БУЗГАНЛИК УЧУН

ҚАНДАЙ ЖАВОБГАРЛИКЛАР БОР?

“ЎЗБЕКИСТОН Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги 2014 йил 4 сентябрдаги Ўзбекистон Республикаси Қонунига биноан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда илк маротаба “Сайлов ва референдумни ташкил этиш ҳамда ўтказиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарлик” белгиланди.

Шунингдек, Жиноят кодексига ҳам сайлов қонунчилигини бузганлик учун жиноий жавобгарликни назарда тутувчи алоҳида нормалар мавжуд. Жумладан, Жиноят кодексининг 146-моддасида сайлов ёки референдум ташкил қилиш, уларни ўтказиш тўғрисидаги қонунчилиكنи бузганлик учун, 147-моддасида эса сайлов ҳуқуқининг ёки ишончли вакил ваколатларининг амалга оширилишига тўсқинлик қилиш учун жавобгарлик назарда тутилган.

Жиноий жавобгарликка сабаб бўладиган сайлов ёки референдум ташкил қилиш, уларни ўтказиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг бузилиши билан боғлиқ бўлган қилмишлар Жиноят кодексининг 146-моддасида қатъий белгилаб қўйилган. Булар: сайловлар ёки референдумни ташкил қилиш пайтида мансабдор шахслар, сиёсий партияларнинг ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг вакиллари, сайлов ёхуд референдум комиссияларининг аъзолари томонидан содир этилган қонунбузарликлардан, хусусан, овоз беришнинг яширинли-

гини бузиш, сайлов ҳужжатлари ёки референдум ҳужжатларини қалбакилаштириш, бюллетенлар ёки имзо варақаларига сохта ёзувлар киритиш, берилган овозларни атайлаб нотўғри ҳисоблашдан иборат.

Мазкур жиноят содир этилган ҳолларда фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқи бўлмиш сайлов ҳуқуқи ва сайловларни ташкил қилиш ҳамда ўтказиш бўйича белгиланган тартиб бузилади.

Шу билан бирга, сайловни ташкил қилиш, уларни ўтказиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузилишига қаратилган ҳаракатлардан бири содир этилган пайтдан бошлаб, ижтимоий хавф вужудга келган-келмаганлигидан қатъий назар, Жиноят кодексининг 146-моддасига мувофиқ жиноий жавобгарлик юзага келади.

Сайловни ташкил қилиш, уларни ўтказиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг бузилиши базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма беш бараваригача жарима ёки уч оз олтимиш соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилгача

озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Конституцияимизнинг 32-моддасида Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда билвосита иштироки белгиланган бўлиб, ушбу сиёсий ҳуқуқнинг бузилиши Жиноят кодексининг 147-моддасига мувофиқ жазоланади.

Шунингдек, жамиятимизда барча масалалар, хусусан, манфаатдор шахс сайлов комиссиялари қарорлари устидан юқори сайлов комиссиясига мурожаат қилмасдан, тўғридан-тўғри судга мурожаат қилиш ҳам мумкин. Сайлов кодексининг 96-моддасига асосан, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини, Қонунчилик палатасига сайловни ҳақиқий эмас, деб топиш тўғрисидаги қарор Марказий сайлов комиссияси томонидан қабул қилинади ва сайлов якунлари эълон қилинган кундан эътиборан ўн кун ичида бу қарор устидан Ўзбекистон Республикаси Олий судига шикоят қилиниши мумкин.

Сайлов натижаларини ҳақиқий эмас, деб топилган,

сайлов комиссиясининг қарорлари устидан қилинган шикоят қаноатлантирилган тақдирда, суднинг ҳал қилув қарори чиқарилиши билан дарҳол тегишли сайлов комиссиясига ва ариза-чиға юборилади.

Шуни алоҳида таъкидлаш кераки, юридик жавобгарликни белгилашнинг асосий мақсади жазолаш эмас, балки қонунчиликда кўзда тутилган умумий мақсадларга қаратилган бўлиб, улар ижтимоий муносабатларнинг мустаҳкамланиши, тартибга солинишида ўз ифодасини топади.

Хулоса қилиб айтганда, бугунги кунда сайловчиларнинг ошиб бораётган ҳуқуқий маданияти ўтказилаётган сайловларнинг кўп жиҳатдан қонун доирасида эркин ва адолатли ўтишини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Дилбар СУЮНОВА,
Тошкент давлат юридик университети “Жиноят-процессуал ҳуқуқи кафедраси” профессори в.б.,
юридик фанлар доктори



1 июлдан қонунчиликда қандай ўзгаришлар бўлади?

✍ 2021 йил 1 июлдан бошлаб ҳуқуқий эксперимент натижалари асосида “E-qano” электрон тизими республиканинг барча даражадаги маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларида жорий этилади.

✍ Республика ҳудудларида хизматлар соҳасининг ривожланганлиги рейтинг жорий этилиб, “BUSINESS INDICATOR” автоматлаштирилган онлайн ахборот тизимида эълон қилинади.

✍ Белгиланган туманларда 100 та давлат-хусусий шериклик асосидаги нодавлат мактабгача таълим ташкилотларини ташкил этиш учун 7 йил муддатга 2 йиллик имтиёзли давр билан 5 фоизлик ставкада кредитлар ажратилади;

✍ опис ва чекка ҳудудларда жойлашган давлат-хусусий шериклик асосидаги тегишли нодавлат мактабгача таълим ташкилотларига;

✍ ҳар бир тарбияланувчи бола учун давлат мактабгача таълим ташкилотининг бир нафар тарбияланувчиси учун сарфланадиган харажатлар суммасининг 75 фоизи миқдоридан субсидия тўланади;

✍ “Ёшлар дафтари”, “Темир дафтар” ёки “Аёллар дафтари”га киритилган оилаларнинг ҳар бир тарбияланувчи фарзандлари учун давлат мактабгача таълим ташкилотининг бир нафар тарбияланувчиси учун сарфланадиган

харажатлар суммасининг 25 фоизи миқдоридан субсидия тўланади;

✍ давлат-хусусий шериклик асосидаги нодавлат мактабгача таълим ташкилотларига фойдаланган электр энергияси ва табиий газ хизматлари нархининг 50 фоизи миқдоридан ойлик компенсациялар тўланади;

✍ 2018–2019 йилларда нодавлат мактабгача таълим ташкилотларини ташкил этиш учун аввал берилган кредитлар бўйича имтиёзли давр муддати 2022 йил 1 январга қадар узайтирилади.

✍ Давлат органларида таълим ташкилотлари ўқитувчиларини шартнома асосида жалб қилиб, ҳафтада камида бир маротаба ходимларни хорижий тилга ўқитиш амалиёти йўлга қўйилади.

✍ Давлат бошқаруви ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларида хизмат автотранспортларини рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгиларининг янги типи жорий этилади.

✍ Тегишли материалларни ишлаб чиқариш лойиҳаларини амалга ошираётган тадбиркорларга Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси томонидан қўйидагилар тақдим этилади:

■ инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш доирасида, шу жумладан,

айланма маблағларни тўлдириш учун бериладиган банк кредитлари суммасининг 50 фоизигача, бироқ 15 миллиард сўмдан кўп бўлмаган миқдорда кафолатлар;

■ Қурилиш материаллари ишлаб чиқариш корхоналарига берилган кредитлар бўйича фоиз харажатларини қоплаш учун қўйидагича компенсациялар:

• миллий валютадаги кредитлар бўйича — Марказий банкнинг асосий ставкасидан ошадиган, бироқ 10 фоиз пунктдан кўп бўлмаган миқдорда;

• чет эл валютасидаги кредитлар бўйича — тижорат банклари томонидан белгиланган ставканинг 50 фоизи, бироқ 4 фоиз пунктдан кўп бўлмаган миқдорда;

■ синов лабораторияси ускуналарини сотиб олиш ва халқаро сифат менежменти стандартларини жорий этиш харажатларини қоплаш учун компенсациялар.

✍ Кўп квартиралли уй-жойларни бошқариш усули ширкатлардан бошқарувчи ташкилотларга ўтган уй-жойлар учун жалб қилинган кредитларнинг муддатини, маҳаллий ҳокимликлар кафилиги асосида, уч йилгача узайтириш чоралари қўрилади.

✍ Ҳар бир кўп квартиралли уй-жой учун

мажбурий бадалларнинг ёки тўловларнинг алоҳида ҳисоби юритилиши шарт.

✍ Гематология, онкология, клиник иммунология, трансфизиология ва шу соҳадаги лаборатория йўналишлари бўйича ёш мутахассисларнинг хориждаги етакчи илмий ва тиббиёт марказлари иш жойларида малака ошириши ва стажировка ўташи билан боғлиқ харажатлар тўлиқ қоплаб берилади;

✍ беморларнинг онкология ва гематологияга ихтисослаштирилган давлат тиббиёт муассасалари йўлланмалари асосида позитрон-эмиссион томография текширувидан ўтиши билан боғлиқ харажатлари Давлат бюджетидан қопланади;

✍ онкологик ва гематологик беморларнинг Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардан республика ихтисослаштирилган марказларига темир йўл ва авиатранспорт воситалари орқали келиши билан боғлиқ харажатлар тегишли маҳаллий бюджетлар маблағлари ҳисобидан тўлиқ қоплаб берилади.

✍ Жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларни молиялаштиришга ажратиладиган туман (шаҳар)лар бюджетлари қўшимча маблағларининг энг кам миқдори 10 фоиздан 30 фоизга оширилади.

Лобар РОЗИМОВА,
“Адолат” миллий ҳуқуқий ахборот маркази масъул ходими

ОАВ

ЯНГИ УЙҒОНИШ ДАВРИНИ

бошидан кечирмоқда

**Норгул
АБДУРАИМОВА,**

Ўзбекистон
Миллий ахборот
агентлиги
муҳбири

— БУГУНГИ журналистика — эркин ижод қилиш, бемалол танқид қилиш, муаммоларни кўтариб чиқиш имконияти яратилган ажойиб паллада. Бир сўз билан оммавий ахборот воситалари янги уйғониш даврини бошидан кечирмоқда, десак ҳам бўлади.

Янги давр дейишимнинг боиси, орада узоқ йиллар ОАВ маълум рамкага солинган, рамкадан чиққанлар тазйиққа олингани ҳам сир эмас.

Муҳими, бугунги кунда ёзилаётган мақолаларга муносабат ўзгаргани. Муаммо ёки жиноят аломати ҳақида ёзсак, эътиборга олинаётгани.

Жорий йилда ўзим ҳам вояга етмаган бир қизнинг номуни топталгани, лекин жиноят жазосиз қолаётгани ҳақида ёзган мақоламни бир эмас, ўнлаб ташкилотлар назоратга олгани мени беҳад суюнтирди. Мақола эълон қилинган куннинг эртасигаёқ жиноят содир этганликда гумонланган шахс қамоққа олинди.

Бу жараёнда журналистиканинг ўзаро ҳамдамлиги ҳам муҳим роль ўйнади. Чунки мақолам жуда кўп сайтларда, ижтимоий тармоқларда акс-садо бергани ҳам ундаги гапдан кўп одам хабардор бўлишига сабаб бўлди.

Журналистиканинг айнан шу жиҳатларига кўз тегмасин, ривожланиб борсин, дейман.

Ҳар қандай соҳа каби журналистика ҳам муаммолардан ҳоли эмас. Соҳани фақат оддий ахборот эгаллаб бораётгани мени ташвишга солади. Таҳририятлар журналистга кўпроқ ахборот бериш (режани бажариш) талабини кўяётгани,

ахборот хизматлари ривожланиб, ҳаммаёқни ахборот билан тўлдириб ташлаётгани журналистиканинг савиясини ҳам, муҳим максадидан ҳам чалғитаётган омиллардан.

Шу маънода асосий мақсадимиздан чалғимасдан, яъни муаммоларга ечим топиш, халқ маънавияти, онгини ошириш йўлида доим олға интилишда ўзимизда куч топа олишимиз керак.

Фурсатдан фойдаланиб журналистика соҳасида меҳнат қилаётган барча заҳматқаш инсонларни касб байрами билан табриклайман! Фидоийлик, халқпарварлик, ватанпарварлик бизни доим ҳаракатга келтирувчи асосий куч бўлсин!

БАРЧАНГИЗДАН МИННАТДОРМИЗ!

— ҚАДРЛИ ҳамкасблар, оммавий ахборот воситалари вакиллари!

Авваламбор, Давлат хизматлари агентлиги жамоаси номидан соҳамизда амалга оширилаётган ислохотларнинг туб моҳиятини халқимизга етказиш борасидаги таъсирчан сўзингиз, фаолиятимизга бўлган объектив нуқтаи назарингиз учун барчангизга ўз миннатдорлигимизни билдираимиз.

Айнан Сизларнинг таҳлилий мақолаларингиз, хабар ва лавҳаларингиз, интервьюларингиз, репортажларингиз давлат хизматлари кўрсатиш соҳасини янада яхшилашга кўмак бераётганлиги аниқ.

Матбуот хизматимиз Агентлик фаолияти ошқоралигини таъминлаш, матбуот анжуманлари самарадорлигини ошириш борасидаги ташкилотчилик фаолияти учун журналистика соҳасида “Олтин қалам” XV Миллий мукофотининг “Энг яхши матбуот хизмати” номинацияси ғолиблигини қўлга киритганликда ҳам Сиз журналистларнинг, оммавий ахборот воситалари ходимларининг муносиб ҳиссангиз борлигини алоҳида эътироф этишни истардик.

Байрамингиз муборак бўлсин, қадрли соҳа фидойилари!

Сизларга сўнмас илҳом, ижодий баркамоллик ҳамда янги ғояларнинг амалга ошишини тилаб қолаимиз.



**Севара
ЗАКИРОВА,**

Адлия вазирлиги
хузуридаги Давлат
хизматлари
агентлиги матбуот
хизмати раҳбари

ҚАСБИМ МЕНИ ЁРУФ МАНЗИЛЛАР САРИ ЕТАКЛАЙДИ

— БУ йил мен учун ўзгача имтиҳонлар, ўзига хос ютуқлар йили бўлди. Битирув-малакавий ишим ДАК аъзолари томонидан 94 балл билан баҳоланди. Ваниҳоят мен бу йил касб байраимиз — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунини Халқаро журналистика факультетини тамомлаб, қўлимда қизил диплом билан нишонлаш бахтига муяссар бўлдим.

Ўтган 4 йил мобайнида устозларимиздан ҳам ҳаётий, ҳам соҳа бўйича анча билим ва кўникмалар олдим. Амалиёт ва иш фаолиятим даврида ҳам устозлар кўмагида катта тажриба орттирдим. Бунинг учун барча устозларга ўз миннатдорлигимни билдираман.

“Медиадизайн ва маълумотлар визуализацияси асослари” ўқув-амалий қўлланмаси, “mediadesign.uz” веб-сайти медиа лойиҳаси ушбу билим ва кўникмаларни умумлаштирган ҳолда ёзилган битирув-малакавий ишим ҳисобланади. Сал кам икки йиллик меҳнатим самараси.

Мазкур медиа лойиҳани ишлаб чиқишда ёрдам берган, китоб ёзиш жараёнида ҳам ўз маслаҳатларини аямаган устозларим — Амрулло Қаримов ва Ўзғамжон Дадахоновга, БМИ борасида маслақдош бўлган илмий раҳбаримга ҳамда расмий тақризчи, устозим, “Инсон ва қонун” газетаси бош муҳаррири Қўчқор Норқобилга чексиз ташаккуримни изҳор этаман.

Бу кунларни кўриш, афсуски, отажонимга насиб қилмади. Аллоҳ умрларини узоқ қилсин, онажонимга таъзимдаман. Тақдир менга насиб этган журналистлик касби мени ёруф манзилларга, юксак мақсадларга етказиши аниқ.

**Жасурбек
ТОЖИБОЕВ,**
журналист



ЖИЗЗАХ

**МЕХНАТ ШАРТНОМАСИ
БЕКОР ҚИЛИНГАН, ҲИСОБ-
КИТОБ ЭСА “УНУТИЛГАН”**



МИРЗАЧЎЛ тумани “Ержар” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги Бегжанов кўчаси, 22-хонадонда яшовчи фуқаро М.Жумабоевнинг иш берувчи томонидан сўнги ҳисоб-китоб пуллари берилмаганлигидан норози бўлиб, меҳнат низоси ҳал қилинишида амалий ёрдам сўраб, туман адлия бўлимига йўллаган мурожаати ўрганиб чиқилди.

Ўрганиш давомида ҳақиқатан ҳам, фуқаро М.Жумабоев 2019 йилдан Жиззах вилояти “Тоза ҳудуд” ДУК Мирзачўл туман филиалига юкловчи вазифини қабул қилинганлиги, у ушбу вазифада 2021 йил 19 май кунига қадар ишлаб келганлиги, 2021 йил 19 май куни эса ўз аризасига асосан эгаллаб турган лавозимидан озод этилиб, иш берувчи билан тузилган меҳнат шартномаси бекор бўлганлиги, аммо иш берувчи томонидан фуқаро М.Жумабоевга охириги ҳисоб-китоб пуллари ҳозирга қадар тўлаб берилмаганлиги аниқланди.

Туман адлия бўлими томонидан аниқланган камчиликлар бартараф этилиб, фуқаро М.Жумабоевнинг ишлаган кунлари учун қонунда белгиланган тартибда тўловларни тўлаб бериш юзасидан иш берувчига тақдимнома киритилди.

2021 йилнинг 17 июнида “Тоза ҳудуд” ДУК Мирзачўл туман филиали томонидан фуқаронинг 1 миллион 596 минг 736 сўм ҳақдорлиги тўлиқ тўлаб берилиши таъминланди.

Бобур ЭСАНОВ,
Мирзачўл туман адлия бўлими бош
маслаҳатчиси

ФАРҒОНА

**ҲУЖЖАТДАГИ ИСМНИ ЎЗГАРТИРИШ УЧУН
АДЛИЯ АРАЛАШДИ,
СУД ҚАРОР ЧИҚАРДИ**



ФАРҒОНА шаҳрида яшовчи Исмоилжон Турдибоев марҳума онасидан мерос бўлиб қолган “Сурхтепа” кўчасидаги 27-уйни мерос сифатида расмийлаштирмоқчи бўлганида муаммага дуч келди.

Гап шундаки, И.Турдибоевнинг ота-онаси асли Турдибой Ибрагимов ва Мастура Ибрагимова исм-шарифида бўлган. Аммо унинг туғилганлик ҳақидаги гувоҳномасига онасининг исми “Холинисо” деб ёзилган. Исмоил ака эса бунга эътибор бермай, нотариуснинг ҳузурига борган. Нотариус унга туғилганлик ҳақидаги гувоҳномаси, онасининг ўлим гувоҳномаси ва тегишли далолатнома ёзувларига ўзгартиш киритиш зарурлигини тушунтирган. У ана шу ҳаттоликни тузатмоқчи бўлиб, Қўштепа туман ФХДЭ бўлимига мурожаат қилган. У ердан эса рад жавобини олган.

Шундан сўнг Фарғона шаҳар адлия бўлимига мурожаат қилиб, бу борада амалий ёрдам сўраган. Шаҳар адлия бўлими томонидан судга шикоят ариза киритилиб, Сўх туман маъмурий судининг ҳал қилув қарорига мувофиқ жавобгар Қўштепа туман ФХДЭ бўлими зиммасига М.Ибрагимованин 1995 йил 23 февралдаги ўлим гувоҳномаси ва далолатнома ёзувининг “исми” бўлимига “Холинисо” ўрнига “Мастура” дея тузатиш киритиш мажбурияти юкланган.

Бироқ, шундан кейин ҳам И.Турдибоевнинг муаммоси ҳал бўлмаган. Негаки, марҳума онаси Ҳанипахон Ибрагимова ҳамда марҳум укаси Юсупжон Ибрагимовларнинг туғилганлик ҳақидаги далолатнома ёзувида ҳам онасининг исми “Холинисо” деб кўрсатилган. Қўштепа туман ФХДЭ бўлими мазкур ҳолатда ҳам И.Турдибоевнинг талабини рад этган. Натижада Исмоил ака иккинчи марта Фарғона шаҳар адлия бўлими эшигини қоқиб келди. Шаҳар адлия бўлими унинг манфаатини кўзлаб, Фарғона туманлараро маъмурий судига шикоят ариза киритди. Суднинг 2021 йил 22 февралдаги ҳал қилув қарорига биноан Ҳ.Ибрагимова ва Ю.Ибрагимовларнинг туғилганлик тўғрисидаги гувоҳномаларига ҳам онасининг исмини “Мастура” деб ўзгартириш мажбурияти юкланди.

Аброр ҲАМЗАЕВ,
Фарғона шаҳар адлия бўлими бошлиғи

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН

**БОЛАНИНГ
“ҲАҚКИ” УНДИРИЛДИ**



АМУДАРЁ туман адлия бўлимига айрим идоралардаги эътиборсизлик ҳолатлари юзасидан турли мазмундаги ариза ва шикоятлар келиб тушган. Мурожаатларни ўрганиш давомида фуқароларнинг 2 ёки 3 ойлик бола парварлиши давридаги пуллари сабабсиз тўланмаганлиги фуқароларнинг тегишли идораларга бу борада қилган мурожаатлари ижобий ҳал қилинмасдан келинаётгани аниқланди.

Фуқаролик кодексининг 15-моддасига мувофиқ, давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ёки ушбу органлар мансабдор шахсларининг ғайриқонуний ҳаракатлари, шу жумладан, давлат органи ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ бўлмаган ҳужжат чиқарилиши натижасида фуқарога ёки юридик шахсга етказилган зарар давлат томонидан ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи томонидан тўланиши керак. Давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари мансабдор шахсларининг айби билан етказилган зарарларни қоплаш суднинг қарори билан шу мансабдор шахслар зиммасига юкляниши мумкин.

Мурожаатларни ўрганишда аниқланган қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш юзасидан фуқаролик ишлари бўйича Амударё туманлараро судига даъво аризалари киритилиб, фуқаролар Л.Ш, Ш.А. ва И.Р.ларнинг манфаатида жавобгарлар “Урта қалъа”, “Холимбағ” овул фуқаролар йиғини ва “Дўстлик” маҳалла фуқаролар йиғинига нисбатан тўланмасдан қолган бола парварлиши пуллари ундириш ҳақидаги даъво талаблари қаиоатлантирилиб, фуқароларга 3 миллион 38 минг сўм нафақа пули суднинг ҳал қилув қарори билан ундириб берилди.

Мўминжон МАТЮСУПОВ,
Амударё туман адлия бўлими бошлиғи

АНДИЖОН

**ПРЕЗИДЕНТ ФАРМОНИ
ПАХТАБОД ТУМАН ҲОКИМИГА
ТААЛЛУҚЛИ ЭМАСМИ?**



ҲУКУМАТ қарорига асосан қарорларни фақат “Е-қарор” электрон тизими орқали қабул қилиш, рўйхатдан ўтказиш, уларга тақрорланмайдиган махсус рақам бериш ва автоматик тарзда эълон қилиш жараёнининг доимий мониторингини олиб бериш вазифаси Адлия вазирлиги зиммасига юклатилган.

Пахтабод туман адлия бўлими томонидан ўтказилган мониторинг давомида мазкур туман ҳокимининг 2 та қарори амалдаги қонунчиликка зид равишда қабул қилинганлиги аниқланди.

Хусусан, Президентимизнинг 2021 йил 8 июндаги “Ер муносабатларида тенглик ва шаффофликни таъминлаш, ерга бўлган ҳуқуқларни ишончли ҳимоя қилиш ва уларни бозор активига айлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони билан 2021 йил 1 августдан бошлаб маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ер муносабатларига оид ваколатлари, хусусан, ер участкаларини тўғридан-тўғри ажратиш, фойдаланишга бериш ёки ерларни бошқача йўл билан тасарруф қилиш, ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни белгилаш, эътироф этиш, ўзгартириш, бекор қилиш, жамоа боғдорчилиги, узумлиги ва полизчилиги ҳамда ёрдамчи қишлоқ ҳўжалигини

юрйтиш учун ер бериш, хусусийлаштириладиган ер участкаларига нисбатан инвестиция мажбуриятлари ёки хусусий мулкни эркин тасарруф этишни чеклайдиган бошқа мажбуриятларни белгилаш, улар юзасидан қарор, фармойиш ёки бошқа турдаги ҳужжат қабул қилиш ҳуқуқи бекор қилинган.

Шунингдек, Фармоннинг 8-бандида фармон расман эълон қилинган кундан бошлаб Ер кодексида тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилганига қадар маҳаллий вакиллик ва ижро ҳокимияти органлари томонидан мазкур Фармонда назарда тутилганидан бошқача тартибда ер участкаларини ажратиш қатъиян тўхтатилсин, деб белгиланган бўлса-да, Пахтабод туман ҳокимининг 2021 йил 10 июндаги 5-1-25-Қ/21-сонли қарори билан тумандаги “Ҳаётбахш” МФЙ ҳудудидаги туман захирасидаги қишлоқ ҳўжалигида фойдаланилмайдиган ер майдонларидан

3 гектари “Poylug” nasl parranda” МЧЖга Паррандачилик фабрикаси бино ва иншоотлари қуриш учун ажратиб берилган.

Бундан ташқари, туман ҳокимининг 2021 йил 11 июндаги 8-1-25-Қ/21-сонли қарори билан “Stroy plita beton” МЧЖга “Андижон” массиви қишлоқ ҳўжалиги харитасининг туман захира фондида бўлган 5 гектар қишлоқ ҳўжалигида фойдаланилмайдиган ер майдонларига қум-шағал, тошлар аралашмасини қазиб олиш учун ер майдони ажратиб берилган.

Туман адлия бўлими томонидан ушбу қонунбузилишни бартараф этиш мақсадида туман ҳокимлигига тақдимнома киритилди. Натижада ҳокимнинг юқоридаги қарорлари бекор қилинди.

Гофуржон САЛОМОВ,
Пахтабод туман адлия бўлими
бошлиғи

ҲАММАМИЗ ҲАМ БОЛАЛИКДА БОҒЧАГА БОРГАНМИЗ. МАКТАБДА ЎҚИШНИ БОШЛАГАН ИЛК КУНЛАРИМИЗ, БОҒЧАДАГИ БОЛАЛИК ХОТИРАЛАРИ БИР УМР ЁДИМИЗДА МУҲРАЛНИБ ҚОЛГАН. ДАВЛАТ МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ҚАТОРИДА КЕЙИНГИ ЙИЛЛАРДА ЖОЙЛАРДА ОЧИЛАЁТГАН БАРЧА ҚУЛАЙЛИКЛАРГА ЭГА ХУСУСИЙ БОҒЧАЛАР ҲАМ ЎЗИГА ХОСЛИГИ БИЛАН БОЛАЖОНЛАРГА БАХТУ ҚУВОНЧ, ОТАОНАЛАРГА ЭСА, ХОТИРЖАМЛИК УЛАШМОҚДА.



Яхши гапнинг қаноти бор!

Яхши гапнинг қаноти бор, деб бежиз айтишмайди. Ҳали фаолият кўрсатганига унча кўп бўлмаган "Шаҳризода кўзминчоқ" мактабгача таълим муассасасининг очилиши ҳам каттакўрғонликлар учун унутилмас кун бўлди.

— Эшитдингизми, собиқ автокорхона биноси ўрнида замонавий боғча очилибди, — дея бир-бирдан суюнчилаб, хушбарни айтишади каттакўрғонликлар.

Қувонарлиси, бу мактабгача таълим масканида барча қулайликлар мавжуд. Шу ернинг ўзига болажонлар учун кийим-бош, чойшаб тикадиган тикувчилик цехи, айнан болалар учун каравотча, стол-стул ишлаб чиқарадиган мебель цехи, жажжи эркатой қизалоқларнинг сочини турмаклаш, ўғил болаларнинг сочини тартибга келтириш учун сартарошхона ҳам очилган. Энг яхши томони боғчада мактабгача таълим ёшидаги болажонлар учун рус, араб, инглиз тили, математика фанларига йўналтирилган ўқув маркази ҳам ташкил этилибди. Муҳими, ўқув машғулотлари олий маълумотли мутахассислар томонидан ўтилмоқда.

Бизни қойил қолдирган яна бир жиҳат — мактабгача таълим муассасасида онлайн тизим мунтазам ишлаб тургани бўлди. Яъни, боласини боғчада қолдирган ота-оналар фарзандларининг қандай овқатланиши, улар билан олиб борилаётган машғулотларни бемалол уйда ёки иш жойида туриб кузатиб туришар экан.

Ноодатий болалар маскани худди янги келинчақнинг уйидек безатилган, хоналарнинг озодалиги, ҳовлининг орастали-

гидан кайфиятингиз кўтарилади беихтиёр. Каттакўрғонликлар Ўзбекистонда ҳам шундай боғча ташкил қилса бўлар экан-ку, дейишмоқда. Бу гап кимнинг қулугига етиб борса, ҳаваси келиб, фарзандини шу мактабгача таълим муассасасига беришни истаётганлар кун сайин кўпайиб бораётганини эшитдик. Шароит бўлса, талаб ҳам шунга яраша бўлади-да!

— Боғчамиз ҳозир 140 ўринли, лекин келгусида уни 200 ўринга етказамиз, — дейди "Шаҳризода кўзминчоқ" нодавлат мактабгача таълим муассасаси мудираси Шаҳноза Қурбонова. — Бу боғча менинг талабаликдаги озуим. Юртимизда нодавлат мактабгача таълим муассасалари кун сайин кўпаймоқда. Ўзим ҳам худди шундай жойда ишлашни орзу қилардим. Бу режа мактабгача таълим соҳасида ўқишни тугатганимдан кейин оилавий сўхбатларимиздан бирида туғилди. Отам — тadbиркор Фарҳод Жўраев, амакиларим Шухрат, Илҳом Жўраевлар биргаликда бу бинонинг лойиҳасини қилишди. Бу гоё барча жиҳатдан қулай бўлиши учун амаким, чорвачилик ва сутчиликка ихтисослашган "Жаҳонгир — Шоҳижаҳон транс" МЧЖнинг раҳбари Шухрат Жўраев бўш ётган автокорхона биносини қайта таъмирлашга маблағ ажратди. Яхши ниятларда, халқнинг болалари учун қулай шароитларга эга боғча қуришдек эзгу орзу билан бошланган иш кўриб турганингиздек, чиройли натижа берди. Қаровсиз бино ҳозирги замон талабига мос, барча қулайликларга эга, одам кирса ҳаваси келадиган масканга айланди. Бошлаган ишимиздан, айниқса, болалар, уларнинг ота-оналари хурсанд. Биз бу хурсандчилик-

дан куч, илҳом оламиз, албатта. Янада яхши режалар билан ишлагимиз келади.

Дарҳақиқат, нодавлат мактабгача таълим муассасасининг таъсисчиларидан халқ миннатдор. Айниқса, болажонларнинг қувончи чексиз. Боғчада бўлган кунимиз ошхонадаги шарт-шароитлар билан ҳам қизиқдик.

— Бу боғчада ишлаган кишининг виждони қийналмайди, — дейди бош ошпаз Шаҳло Жўраева. — Нега десангиз, овқат тайёрлаш учун олиб келинадиган масалликларнинг ҳаммаси сифатли. Айтайлик, гўшт билан сутни ҳар кун боғчани ҳомийликка олган "Жаҳонгир — Шоҳижаҳон транс" МЧЖ етказиб беради. Яна бир томони — нонушта, тушлик учун керакли маҳсулотларнинг сифатлиси сараланиб, бозордан сотиб олинади.

— Бу ерда ҳозир 30 киши иш билан таъминланган бўлса, келгусида 100 дан ортиқ янги иш ўринлари ташкил этилади, — дейди кузатув кенгаши раиси Мирзохид Уроков. — Тикувчилик цехи, сартарошхона, мебель цехи, ўқув маркази тўла қувватда ишга тушганидан кейин ишчилар сони янада кўпаяди.

— Бизнинг фарзандларимиз ҳам чиройли, барча қулайликларга эга шундай биноларда таълим-тарбия олишга ҳақли, — дейди ана шу иншоот қурилиши асосчиси, тadbиркор Фарҳод Жўраев. — Замон ўзгарди, янги Ўзбекистоннинг бахтли болалари ана шундай кўркам, чиройли жойларда тарбия олишлари керак. Боғчада ҳаётта биринчи қадам ташланади. Болалигини шундай чиройли жойда ўтказган фарзандларимиз келажақда ана шундай чиройли яшага интилади, ўқийди, изланади, дунё кўра-

ди, тажриба ўрганади. Ривожланган давлатларда шунга ўхшаш, бундан ҳам қулай мактабгача таълим масканлари бор. Ота ёки она ишхонасининг ёнидаги эмас, айнан

биринчи қаватидаги боғча фарзандини бериб, иш жойига хотиржам кириб кетади. Кўнгли хотиржам бўлиб ишлайди. Боласидан хотиржам ота-онанинг ишида ҳам унум бўлади.

Икки ака-уканинг хайрли ташаббуси билан савобли ишга кўл урилди. Мактабгача таълим муассасаси қошида фаолият кўрсатётган ўқув маркази худуддаги маҳалла болаларига ҳам бепул таълим бераётган экан.

Каттакўрғон шаҳрининг кўркига кўрк бағишлаб турган, болажонлар юраги талпиниб келадиган бу зиё маскани пухта режа асосида, янги лойиҳа билан очилгани учун ҳам "Шаҳризода кўзминчоқ" кўп тармоқли мактабгача таълим муассасасида тарбияланаётган кичкинтойлар болалиқнинг бахтиёр дамларини кечиртишмоқда. Очиғи, тadbиркорларнинг билимига, ташаббусига, лойиҳанинг мукамаллигига қойил қолдик. Бинонинг ҳар бир хонаси ўзига хос услубда безатилган, эшик-деразалари ҳам ўзига хос, чиройли, ҳатто полга тўшалган ранг-баранг, қимматбахо гиламларга халқнинг болалари хизматида. Ошхонадаги жиҳозларни айтмайсизми. Муҳими, болажонлар истеъмол қилаётган таомлар тоза, сифатли маҳсулотлардан тайёрланган. Ҳар бир хона телевизор билан жиҳозланган. Боғча тарбиячилари Хуршида Исмадова, Мафтуна Жўраевалар билан сўхбатлашганимизда ширинсуханликлари билан болажонларнинг меҳрини қозонганига гувоҳ бўлдик.

Юртимизда болаларимизнинг бахтли келажаги учун катта имкониятлар яратилмоқда. "Шаҳризода кўзминчоқ" нодавлат мактабгача таълим муассасаси ҳам бугунги кун талабига тўла жавоб берадиган маскан бўлибди. Муҳими, Каттакўрғоннинг бахтли болалари бу ерга "боғчага бормайман" деган хархаша билан эмас, юраги талпиниб, меҳри тошиб келишмоқда.

Азим ҚОДИРОВ,
журналист

ЭЪЛОНЛАР

Навоий вилоят адлия бошқармасининг 2021 йил 16 июндаги 133-ум-сон буйруғига асосан талабгор Сайфиёва Бахтиёр Саидовичга малака имтиҳонини топширганлиги сабабли фуқаролик ва иқтисодий суд ишларини юретиш ихтисослиги бўйича адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензия берилди.

Навоий вилоят адлия бошқармасининг 2021 йил 1 июндаги 126-ум-сон буйруғига асосан талабгор Очипов Баходир Нуруллаевичга малака имтиҳонини топширганлиги сабабли фуқаролик ва иқтисодий суд ишларини юретиш ихтисослиги бўйича адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензия берилди.

ИНТЕРНЕТДАН ижара уй излаган Малика Мансурова (исм-шарифлар ўзгартирилган) фирибгарнинг тузоғига осонгина илдинди.

Муқаддам уч мартаба судланган Анвар Носиров бу сафар фирибгарликнинг антиқа усулини топганди. У "Google" қидирув тизимидан кўриниши кўркем, чиройли уйлarning расмини сақлаб олиб, "olx.uz"нинг эълонлар саҳифасига гўёки хонадонини ижарага бериш мақсадида эълон сифатида жойлаштиради.

"OLX.UZ"ДАГИ ОЛФИРЛАР ЁХУД СОХТА ИЖАРА УЙ



Унга кўп ўтмай, бир аёл кўнғироқ қилади. Ўзига ёққан ижара уйни топган аёл бошқа харидорлар чиқиб қолмасин, уйнинг эгаси экан, деб ижара ҳақини олдиндан тўлашга ҳам рози бўлади. У фирибгарнинг тузоғига илинаётганини қайдан билсин. Анварнинг пластик картаси рақамини билгач, шошилганича дугонасидан илтимос қилиб, пайнет шохобчаси орқали 1 миллион 30 минг сўм пулни Анвар Носировнинг пластик картасига ўтказди. Фирибгар йигит эса, берган ваъдасини бажармасдан осонгина кўлга киритилган пулни ўз эҳтиёжи учун ишлатиб юборди.

Аёлнинг қувончи узоққа чўзилмади. У "olx.uz"даги олғир йигитнинг хийласига алданганини билганида кеч эди. Аёл Анвар уйни ижарага бериши учун олдиндан 100 АҚШ доллари тўлашни кераклигини айтганида ҳечам шубҳаланмаганди. Унга ижара уй жудаям зарур бўлганлиги, тезроқ кўчиб ўтиши кераклиги учун ҳам ноиложликдан пулни олдиндан тўлаганди. У алданганини билгач, судга муурожаат қилди.

Жабрланувчи суд мажлисида турмуш ўртоғи билан бирга Тошкент шаҳридан ижарага уй олиш мақсадида хонадон излаганлиги, пойтахтнинг Олмазор тумани ҳудудидан 2 хонали уй ижарага берилиши бўйича эълонни топиб, кўрсатилган телефон рақами орқали Анвар билан гаплашганлигини айтди. Уй эгаси хонадонини ойига 200 АҚШ долларидан ижарага беришини айтгани, ундан нархини биров арзонлаштиришни сўраганида 180 АҚШ доллари қилиб

беришини, фақат коммунал тўловларни ўзи тўлашини айтгач, ўзаро келишув бўлганлигини ҳам айтиб ўтди. Таклифга рози бўлгач, уй эгаси 100 АҚШ долларини гаров эвазига беришини айтгани, тўлов учун пластик картаси рақамини юборганлиги, ўша пайтда Самарқандда бўлгани учун дугонаси Ҳилоладан сўралган пулни Анварнинг пластик картасига ўтказиб беришини илтимос қилганлигини айтиб ўтди.

Аёл бўлган воқеаларни эслаб, эртасига ҳам, индинига ҳам Анварнинг телефон рақами ўчирилганлиги, алданганлигини сезгач, ушбу ҳолат юзасидан ариза билан ички ишлар органига муурожаат қилганлигини билдирди.

Ҳар қандай жиноятга жазо муқаррар. Аввал уч марта судланиб ҳам тўғри йўлга қайтмаган, қилмишларидан хулоса чиқармаган уста фирибгар суд мажлисида айбига тўлиқ иқроқлик билдиришга мажбур бўлди. Дастлабки тергов органи томонидан унинг тақдоран фирибгарлик қилгани, яъни алдаш ва ишончли суиистеъмол қилиш йўли билан ўзининг мулкни кўлга киритганлиги ҳисобга олинди, албатта. Бу сафар унга нисбатан тайинланган жазога илгариги ҳукм бўйича тайинланган жазони қисман қўшиш йўли билан узил-кесил иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 3 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланди.

Мирзиёд АБИДОВ,
жиноят ишлари бўйича Олмазор туман суди судьяси

ЮРТИМИЗДА оила институти ва аънавий оилавий қадриятларни қўллаб-қувватлаш, оилалар мустаҳкамлигини таъминлаш, оилавий ажралишларнинг олдини олиш, никоҳланувчи шахсларда оилавий қадриятларни ҳурмат қилиш, оилаларда соғлом маънавий-ахлоқий муҳитни яратиш масаласига ҳар доимгидан ҳам кўпроқ эътибор қаратилапти. Бу борада кенг қамровли чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий қилинмоқда.

ЗЎРАВОН КЕЛИН ЖАЗОГА ТОРТИЛДИ



Бироқ оила деган муқаддас даргоҳнинг қадрини англаб етмаслик оқибатида пароканда бўлаётган оилалар, бунинг ортидан содир этилаётган жиноятлар ҳамон учраб турибди.

Бекободлик Ҳамида Дадабоева (исм-фамилиялар ўзгартириб берилмоқда) содир қилган жиноий қилмишини ҳам оилавий зиддиятлар, ўзаро ҳурмат ва ишонч йўқлигининг оқибати дейиш мумкин.

Ўн тўққиз йил озгина муддат эмас. Мана шунча йил бир оила бўлиб яшаб келган, уч нафар фарзандни дунёга келтирган эр ва хотин арзимас сабаблар билан ажралиш йўлини танлашган. Дарз кета бошлаган оилани сақлаб қолиш ҳақидаги расмий ва норасмий маслаҳатлар, таъсир чоралари қўйилмайдиган даражага бориб етган. Уртада пайдо бўлган адоват кундан-кунга ортиб бораверган. Мулк, уй-жой масаласи кўтарилганда зиддият янада кескин тус олган. Шундан кейин томонлар масалани қонуний йўл билан, яъни суд орқали ҳал қилмоқчи бўлишди. Бироқ...

2020 йилнинг 15 декабри. Суд бошқа кунга қолдирилгани сабабли томонлар даҳанаки айтишувлар билан чекланиб, тарқалиб кетишди. Лекин Ҳамида Дадабоева бу билан чекланишни истамади. У қариндошлари билан бирга эри, катта қизи ва қайнота-қайнониси кетаётган автомобилни қувиб етиб, жанжал бошлайди.

У бундан атмиг бир ҳафта олдин қайнопасини дўппослаб, енгил тан жароҳат етказгани учун Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 52-моддаси 2-қисмида назарда тутилган ҳуқуқбузарликни содир этгани учун жаримага тортилган эди. Жазодан тегишли хулоса қилмаган Ҳамида бу сафар аввал қайнотасига, сўнг қайнонасига ташланади. Андиша, ор-номусни четга суриб қўйган "келин" ўзининг вожага етмаган фарзандининг кўз ўнгидеги ёши бир жойга бориб қолган қайнота-қайнонасини уриб-тепиб, уларга турли даражада тан жароҳати етказди.

Жиноят ишлари бўйича Бекобод шаҳар судининг очиқ суд мажлисида Ҳамида Дадабоеванинг жиноий қилмиши қўриб чиқилди. Суд давлат айбловчисининг хулосаси, адвокатнинг фикри, судланувчи, жабрланувчилар ва гувоҳларнинг кўрсатмаларини тинглаб, иш ҳужжатларини таҳлил қилиб, судланувчи Ҳ.Дадабоевани Жиноят кодексининг 109-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганида айбдор деб топди.

Суд ҳукми билан "зўравон келин" тегишли жазога тортилди.

Баҳодир ҚОРАЕВ,
жиноят ишлари бўйича Бекобод шаҳар суди судьяси

ШОКИР Воҳидов (исм-шарифлар ўзгартирилган) омади қулган ёшлардан бири эди. У ёш бўлишига қарама-қарсидан катта саноат маркази ҳисобланган Навоий шаҳар ҳокимлигида масъул лавозимда ишларди. Иши тушган ёши катталар ҳам унга "ака — акажон", деб муурожаат қилар, ҳурматини жойига қўярди. Афсуски, у бу хурматга ўзини лойиқ кўрмади. Йўқса...


Пора билан кўлга тушган масъул ходимнинг "иши" жиноят ишлари бўйича Навоий шаҳар судининг сайёр суд мажлисида кўриб чиқилди. Олий маълумотли, шаҳар ҳокимлигининг масъул лавозимда ишлаган Ш.Воҳидов ўз оёғига ўз қўли билан болта урди.

У фирибгарлик, ишончли суиистеъмол қилиш йўли билан, мансабдор шахсларга пора беришга даъват қилиш жиноятини қуйидаги ҳолатда содир этган.

Шокир Воҳидов ўтган йилнинг ёзида Ш.Муҳиддиновнинг мархума онасидан қолган Навоий шаҳар, М.Улуғбек кўчасида жойлашган уйни унинг номига расмийлаштириб беришга ваъда беради. Ва А.Шариповнинг ишончига кириб, ундан шаҳар ҳокимлигида ташкил этилган "Махсус комиссия"даги танишларга ишни битириш учун беришим керак, деб пора тариқасида 1 минг 400 АҚШ доллари миқдоридеги пулни олади.

Бундан ташқари, у ўзининг жиноий ҳаракатларини давом эттириб,

2020 йил 13 август кунини шаҳар ҳокимлиги биноси ёнида А.Шариповдан ишни тезлаштириш учун яна пул сўрайди. Иши хамирдан қил



суғургандек силлиқ кетаётганидан хурсанд бўлган фирибгар "ўлжа"сидан яна 500 АҚШ долларини пора тариқасида олаётган вақтида Навоий вилоят Давлат хавфсизлик хизмати бошқармаси ва Бош Прокуратура ҳузуридеги Департамент Навоий вилояти бошқармаси ходимлари томонидан, ҳолислар иштирокида далилий ашёлар билан қўлга олинди.

Хусусийлаштириш саҳнасидаги "оптин балиқ" ролидаги А.Шарипов эса унинг найрангини ўз вақтида фаҳмлаб қолиб, ҳуқуқ тартибот идораларига муурожаат қилмаганида ҳамёнидан айрилиши аниқ эди.

Суд мажлисида сўроқ қилинган судланувчи Ш.Воҳидов айбига тўлиқ иқроқ бўлди. Ҳокимликда бор-йўғи икки йил ишлаган ходимнинг фирибгарлик ва порахўрлик бўйича шунча катта "тажриба" тўплагани, "қаловини топса қорни ҳам ёндирадиган" даражага етгани кишини таажублантиради, албатта. Унинг бевосита раҳ-

ХОДИМ ПОРАСИЗ ИШ ҚИЛМАЙДИ РАҲБАР ЭСА БУНДАН "БЕХАБАР"

бари — шаҳар ҳокимининг Саноатни ривожлантириш, капитал, қурилиш, коммунал соҳа ва коммуникациялар бўйича ўринбосари ўз ходимининг бу қинғир қилмишларидан беҳабарлигини билдиргани эса кишини ажаблантиради. Қизик, муҳим ҳужжатларга қўл қўяётганида наҳотки, масъул раҳбар шунчалик эътиборсиз бўлса? Яна бир савол туғилади? Ҳар бир ҳужжат, ҳар бир қарор лойиҳаси ҳокимлик ҳуқуқшуносига тақдим қилиниши зарур эмасми? Ёки ҳужжатларнинг қонунийлигини ўрганиб, имзоси билан тасдиқлаши керак бўлган юрист ҳам Ш.Воҳидовга шерикми?

Жиноятга жазо муқаррар. "Қаҳрамонимиз"га ҳам қилмишига яраша жазо тайинланди.

Суннатжон БОЛТАЕВ,
жиноят ишлари бўйича Навоий шаҳар суди судьяси,
Маруза ҲОСИЛОВА,
"Инсон ва қонун" муҳбири

“СУХРОБ ДИЗАЙН ҚУРУВЧИ”

МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

мамлакатимизда фаолият юритаётган барча журналистларни, ноширларни, матбаа ходимларини 27 июнь — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни билан самимий муборакбод этади!

Мустақиллигимизни мустаҳкамлашга, ислохотларни кенг ёритишга қўшаётган ҳиссангиз катта. Бу йўлда юксак марраларни забт этишингизга тилакдошмиз.

Байрамингиз муборак бўлсин, фидойи касб эгалари!

creative

**27 июнь —
Матбуот ва оммавий ахборот воситалари
ходимлари куни**